

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛЕКЕЕВА ЗОЯ ПИРНИЯЗОВНА

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ
ЗАХИРАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Халекеева Зоя Пирниязовна

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий
бошқаришни такомиллаштириш 3

Халекеева Зоя Пирниязовна

Совершенствование финансового управления товарно-материальными
запасами в акционерных обществах..... 27

Khalekeyeva Zoya Pirniyazovna

Improving the financial management of inventories in joint-stock
companies..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛЕКЕЕВА ЗОЯ ПИРНИЯЗОВНА

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ
ЗАХИРАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Iqt2389 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Карлибаева Рая Хожабаевна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кўзиева Наргиза Рамазоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ашурова Насиба Ботировна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871)239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда акциядорлик компаниялари молиявий барқарорлигига улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментининг кенглиги, корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси, компанияларнинг нарх сиёсати ва товар-моддий захираларнинг таркиби жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ривожланган давлатларда айнан акциядорлик компаниялари мамлакат иқтисодиёти экстенсив ривожланишининг асосий сегментларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Жумладан, «2010 йилда АҚШ компаниялари умумий бозор капитализациясининг мамлакат ЯИМга нисбатан 115,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 194,5 фоизни ташкил қилган. Корея Республикасида охириги 10 йилликда бу кўрсаткич ижобий рақамлар сари ҳаракатланган, яъни 2010 йилдаги 95,4 фоиздан 2021 йилга келиб, 133,5 фоизга кўтарилган»¹. Акциядорлик жамиятларининг умумий бозор капитализациясини оширишда товар-моддий захираларни молиявий бошқаришни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда йирик корпорациялар фаолият самарадорлигини ошириш, жумладан акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқаришга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш салоҳиятининг товар-моддий захиралардан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқлиги, товар-моддий захиралар тақчиллигининг иқтисодий ресурслар ва молиявий натижаларга таъсири, акциядорлик жамиятларининг энг муҳим функцияси сифатида товар-моддий захираларни бошқаришни такомиллаштириш, йирик акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришда махсус дастурлардан, хусусан, рақамли платформалардан самарали фойдаланиш масалалари бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йуналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қулай ва самарали шароитлар яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг йирик корпорациялари товар-моддий захираларни бошқариш механизмининг ижобий томонларидан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Иқтисодиётда молиявий ресурсларни қўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, ...мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш»² вазибалари белгилаб берилган. Мазкур вазибалар акциядорлик жамиятларидаги товар-моддий захираларни хусусиятларига кўра

¹ Манба: <http://wdi.worldbank.org/table/5.4>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон. – www.lex.uz

режалаштириш, тартибга солиш ва бошқаришни такомиллаштириш, уларнинг акциядорлик жамиятларининг бозор қийматини ошириш шартларига мувофиқлик даражасини таъминлаш, товар-моддий захираларни харид қилиш самарадорлигини ошириш имконини яратувчи замонавий ташкилий бошқарув тузилмасини шакллантириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 17 январдаги ПҚ-90-сон «Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» деб номланган стратегик мавзуларининг устуворлигига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш масалаларига бағишланган бир нечта тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур масалага хорижлик иқтисодчи олимлардан Дж.Шрайбфедер, Д.Хедли, Ф.Хэнссмен, П.Ларсон, L.K.Lau, A.J.Martin, J.Cooper, J.A.Tomkins, A.West ҳамда A.Rushton ўз илмий изланишларида эътибор қаратганлар³.

³ Шрайбфедер Дж. Эффективное управление запасами /Дж. Шрайбфедер; пер. с англ. Ю. Орлова. Изд-во Альпина Паблишер, 2019. 304 с. Хедли Д и др. Анализ систем управления запасами. Пер. с англ. – М., 2005.³ Хэнссмен Ф. Применение математических методов в управлении производством и запасами. Пер. с англ. М.: 2004. Larson, P.D. “The integration of inventory and quality decisions in logistics: an analytical approach”, Journal of Business Logistics, 1989, Vol. 10 No. 2, pp. 106–22. Lau, L.K. Managing business with SAP. Planning, implementation and evaluation. – IGP, 2005. Martin A.J. Distribution Resource Planning. Distribution Management's Most Powerfull Tool. - John Wiley&Sons, Inc., USA. - 1995. - 330 p. Cooper J., Bowr M., Peters N. Logistics Marketing Management and Strategy. - Blackwell Business. USA, 1992. - 331 p. The Distribution Management Handbook. Editors Tomkins J.A - McGrow Hill. USA, 1994. West A. Managing Distribution Concept. - John Wiley&Sons. UK, 1989. - 266 p. Rushton A. Handbook of Logistics and Distribution Management. - Kogan Page. UK, 1991. - 339 p.

Мазкур масала юзасидан МДХга аъзо давлатларнинг иқтисодчи олимларидан Н.И.Алексеева, Д.А.Бабурин, А.А.Ермаков, И.С.Винникова, Р.А.Григорян, А.Г.Двас, С.Ю.Данилова, Е.Д.Ряснянская, Л.А.Савельева, В.И.Мамонов, Е.Р.Добронравин, А.И.Поспеловская, А.В.Довбищук, В.Г.Степанов, Ш.Ш.Магомедов, А.К.Сазонова, О.О.Храмцованинг ишларида ўрганилган⁴. Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини Т.С.Маликов, Н.Х.Жумаев, М.Б.Хамидуллин, Ш.И.Мустафакулов, Р.Х.Карлибаева, С.Э.Элмирзаев, Х.Х.Худойкулов, М.И.Хайитбоев⁵ ўз илмий

⁴ Алексеева, Н.И. и др. Управление товарными запасами предприятия на основе анализа системы показателей // Н.И. Алексеева, Ю.В. Алёхина // Стратегия предприятия в контексте повышения его конкурентоспособности, 2019. Т. 1. № 5 (5). – С. 56-59. Бабурин, Д.А. Необходимость новых подходов к управлению товарными запасами торгового предприятия // Научный альманах. 2018. № 7-1 (21). – С. 32-36. Ермаков А.А. Разработка модели прогнозирования спроса при управлении товарными запасами в розничной торговле. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. 2014. Винникова И.С. Эффективное управление товарными запасами организации. Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования, №3 (37), 2019. 140 б. Григорян Р.А. Положительные и отрицательные последствия наличия товарных запасов на предприятии / Р.А. Григорян // Научные исследования. – 2017. – №3. – С. 18. Двас А.Г. Трансформация стратегий управления запасами: от альтернативности к комплементарности / А. Г. Двас // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2015. – №8 (80). – С. 34. Данилова С.Ю. Оптимизация уровня запасов производства с целью повышения конкурентоспособности предприятия с непрерывным циклом производства // Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева. – Тольятти, 2019. – № 2 (28). – С. 47–52. Ряснянская Е.Д. Управление запасами организации // Современные научные исследования и инновации, 2020. № 8 [Электронный ресурс]. URL: <https://web.snauka.ru/issues/2020/08/92306> (дата обращения: 02.06.2022). Савельева Л. А Управление товарными запасами в потребительской кооперации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук Новосибирск, 2012. Мамонов В.И и др. Проблемы применения детерминированных моделей управления запасами // Российское предпринимательство, 2017. – Том 18. – № 11. – с. 1741. Добронравин Е.Р. Теория управления запасами при построении логистических систем // Российское предпринимательство. – 2011. – Том 12. – № 11. – С. 97-100. – url: <https://creativeconomy.ru/lib/7129>. Поспеловская А.И. Логистические тренды в управлении производственными запасами предприятий водоснабжения и водоотведения // Российское предпринимательство. – 2009. – Том 10. – № 7. – С. 149-154. – url: <https://creativeconomy.ru/lib/5352>. Довбищук А.В. и др. Концепция выбора оптимальной стратегии управления запасами в условиях нестационарного спроса // Российское предпринимательство, 2002. – Том 3. – № 6. – С. 60-67. – url: <https://creativeconomy.ru/lib/663>. Степанов В. Г и др. Критерии и модели оптимального управления товарными запасами // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2017. – Т. 3. – С. 153-161. – URL: <http://e-koncept.ru/2017/770259.htm>. Магомедов, Ш. Ш. Управление товарным ассортиментом и запасами: Учебник для бакалавров / Ш.Ш. Магомедов. – М.: Дашков и К, 2019. – 176 с.; Сазонова А.К и др. Управление запасами предприятия и их оптимизация / А.К. Сазонова, Л.Н. Матвийчук // Современные тенденции развития науки и технологий. 2019. Т. 8. № 5. – С. 124-127. Храмцова О.О. Анализ товарных запасов системе управления товарооборотом кооперативной организации / О.О. Храмцова, Т.Г. Храмцова. // Современные тенденции развития науки и технологий. – 2019. – № 6-8. – С. 130-134.

⁵ Маликов Т.С Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009. – 93 б. Жумаев Н.Х., Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор жиҳатлари. // Молия ва банк иши. 3-сон, 2020 й. – 249 б. Хамидуллин М.Б ва бошқалар. К вопросу об эффективном собственнике в системе корпоративного управления. // Иннов: электронный научный журнал, 2018. №3. URL: <http://www.innov.ru/science/economy/k-voprosu-ob-effektivnom-sobstvenni/>; Мустафакулов Ш.И. Иқтисодиётнинг бақарорлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг инновацион истикболлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2-сон, ноябрь, 2011 йил. Карлибаева Р.Х. Молия тизими тараққиёти ва молиявий менежмент назарияси шаклланишининг фундаментал асослари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 4-сон, август, 2017 йил. 1 б., Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истикболлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 3-сон, июнь, 2019 йил, Худойкулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларининг қарз капитал қийматини баҳолашнинг замонавий усули. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил.

ишларида тадқиқ қилганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1-сонли «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш тушунчасининг моҳиятини ёритиб бериш;

товар-моддий захираларнинг миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларни бошқаришнинг зарурлигини асослаш;

товар-моддий захираларни молиявий бошқаришнинг ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамиятини ўрганиш;

акциядорлик жамиятлари жорий активлари таркибида товар-моддий захираларни бошқариш тизимини таҳлил қилиш;

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш моделлари таҳлилинини ўтказиш;

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришни такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларининг молиявий бошқариш самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «NO‘KIS VINOZAVODI» ва «Махам-Ширчиқ» акциядорлик жамиятларининг товар-моддий захираларининг молиявий бошқариш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келувчи молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда абстракция, таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, мантиқий тафаккур, таққослаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйдагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларидаги товар-моддий захираларни ликвидлилик даражасига кўра туркумлаш ҳамда хусусиятларига мувофиқ ҳолда умумий қоида асосида режалаштириш ва тартибга солиш орқали бошқариш жараёнларини такомиллаштириш таклифи асосланган;

акциядорлик жамиятларининг бозор қийматини ошириш шартлари доирасида хомашёларни етказиб беришда логистика-транспорт тизими билан моддий оқимлар ва ахборот алмашинуви ёрдамида техник, технологик, ҳудудий, ташкилий ва бошқарув хусусиятлари билан боғланган элементлар тўпламидан фойдаланиш таклифи асосланган;

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқарув тузилмаси ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичда маҳсулот миқдорини тезкор тартибга солиш, товар-моддий захиралар даражасини талаб ҳажмига мувофиқлаштириш ҳамда режалаштиришни таъминловчи усулларни жорий этиш орқали такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни харид қилиш тизимини бошқаришни молиявий ресурсларни мақсадли тақсимлаш, захиралардан фойдаланишнинг босқичма-босқичлиги ҳамда корхона бюджети маблағларининг оқилона сарфланишини таъминлаш орқали такомиллаштириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларининг хусусиятлари бўйича тавсифланиши ёритиб берилган;

акциядорлик жамиятларида шакллантирилган товар-моддий захиралар ҳажмига таъсир этувчи муҳим ташқи омилларга аниқлик киритилган;

товар-моддий захираларга талабларни тайёрлашни прогнозлаш усули таклиф этилган;

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш замонавий тузилмаси таклиф этилган;

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш билан боғлиқ муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон давлат активларини бошқариш агентлиги, «NO‘KIS VINOZAVODI» ва «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамиятлари расмий маълумотларига таянилган, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг ишончлилиги ундаги маълумотларнинг расмий манбалардан, яъни Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ҳисоботларидан олинганлиги ва уларнинг акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларини молиявий бошқаришнинг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишларида, акциядорлик жамиятлари товар-моддий захиралари бўйича ҳуқуқий-меъёрий

хужжатларни ишлаб чиқиш ва молиявий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан имзоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан акциядорлик жамиятларининг товар-моддий захираларини молиявий бошқариш жараёнида қўлланилувчи усулларни тизимлаштириш, акциядорлик жамиятларини ривожлантириш, акциядорлик жамиятлар фаолияти бўйича меъёрий хужжатларни, мамлакатимиз қонун ва қонуности хужжатларини ишлаб чиқишда, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларини самарали молиявий бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

акциядорлик жамиятларидаги товар-моддий захираларни ликвидлилик даражасига кўра туркумлаш ҳамда хусусиятларига мувофиқ ҳолда умумий қоида асосида режалаштириш ва тартибга солиш орқали бошқариш жараёнларини такомиллаштириш таклифи «Махам-Chirchiq» АЖ томонидан товар-моддий захираларни молиявий бошқариш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Махам-Chirchiq» АЖнинг 2022 йил 30 июндаги 102-08/23-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамиятида 2021 йилда 2015 йилга нисбатан ишлаб чиқариш захиралари 258,4 фоизга, тугалланмаган ишлаб чиқариш 175,0 фоизга, тайёр маҳсулот 196,4 фоизга ошиши таъминланган;

акциядорлик жамиятларининг бозор қийматини ошириш шартлари доирасида хомашёларни етказиб беришда логистика-транспорт тизими билан моддий оқимлар ва ахборот алмашинуви ёрдамида техник, технологик, ҳудудий, ташкилий ва бошқарув хусусиятлари билан боғланган элементлар тўпламидан фойдаланиш таклифи «NO‘KIS VINOZAVODI» АЖ томонидан товар-моддий захираларни молиявий бошқариш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («NO‘KIS VINOZAVODI» АЖнинг 2022 йил 30 июндаги 01/22-112-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятининг жорий активлари 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 451,3 фоизга ошишига эришилган;

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқарув тузилмаси ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичда маҳсулот миқдорини тезкор тартибга солиш, товар-моддий захиралар даражасини талаб ҳажмига мувофиқлаштириш ҳамда режалаштиришни таъминловчи усулларини жорий этиш таклифи «NO‘KIS VINOZAVODI» АЖ томонидан товар-моддий захираларни молиявий бошқариш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («NO‘KIS VINOZAVODI» АЖнинг 2022 йил 30 июндаги 01/22-112-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга

жорий этилиши натижасида «NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятидаги жами активлар ҳажмининг ошиш суръати 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 464,5 фоизга етган;

акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни харид қилиш тизимини бошқаришни молиявий ресурсларни мақсадли тақсимлаш, захиралардан фойдаланишнинг босқичма-босқичлиги ҳамда корхона бюджети маблағларининг оқилона сарфланишини таъминлаш орқали такомиллаштириш таклифи «Махам-Chirchiq» АЖ томонидан товар-моддий захираларни молиявий бошқариш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Махам-Chirchiq» АЖнинг 2022 йил 30 июндаги 102-08/23-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жами товар-моддий захираларнинг 2015-2021 йиллардаги ошиш суръати 258,4 фоизга етиб, бундай ошиш асосан ишлаб чиқариш захираларига тўғри келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқаришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш тушунчаси ва унинг моҳияти, товар-моддий захираларнинг миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларни бошқаришнинг зарурлиги, товар-моддий захираларни молиявий бошқаришнинг ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти ўрганилган ва хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодий ривожланишнинг замонавий шароитида товар-моддий захираларнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш салоҳияти товар-моддий захиралардан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқ. Товар-моддий захираларнинг етишмаслиги иш вақтининг йўқолишига, корхоналарда асосий воситалардан тўғри фойдаланилмаслигига олиб келади, натижада эса корхона маҳсулот сотишдан олинадиган фойдани олиш имконияти чекланади. Товар моддий захираларнинг ортиқчалиги молиявий ва меҳнат ресурслари харажатларининг кўпайишида ифодаланган ижтимоий меҳнатнинг мантиқсиз харажатларидан далолат беради. Иқтисодиётни бошқариш ва корхоналардаги тўлиқ молиявий мустақиллиги молиявий ресурслар ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш, корхона фаолиятининг турли соҳаларидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Замонавий иқтисодий адабиётларда акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқаришни такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бинобарин, хорижлик олим Дж.Шрайбфедернинг фикрича, «корхоналарда товар-моддий захираларни самарали бошқариш корхонага соф фойдани максимал даражада ошириш, керакли даражада захираларини яратиш ва корхона томонидан чиқарилган маҳсулотнинг истеъмолчилари талабларини ўрганиш ва қондириш имконини бериши мумкин»⁶. Яна бир хорижлик олим П.Ларсоннинг фикрича, «корхоналарда товар-моддий захираларни бошқариш корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминловчи керакли ҳажмдаги товар-моддий захираларни сақлаш омборларига эга бўлиши, шу билан бирга корхона фаолиятида самара берувчи бошқа захиралар таркибини оптималлаштириш имконини беради»⁷.

Шунингдек, рус олимларидан И.С.Винникова томонидан «товар-моддий қийматликлар захираларнинг оптимал ҳажмини аниқлаш ва уларни молиялаштиришни таъминлаш жараёнидир деб таъриф бериб ўтган бўлса»⁸, кейинги олим Е.Д.Ряснянскаянинг фикрича, «товар-моддий захираларни бошқариш корхонанинг хизмат кўрсатиш даражаси ва узлуксиз ишлашини таъминлаш билан бирга уларни сақлаш харажатларини камайтириш мақсадида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хомашё ва бошқа фаолият объектлари захираларини оқилона ишлаб чиқариш ва сақлаш тушунилади»⁹. В.Г.Степанов ўз илмий ишларида «товар-моддий захиралар корхонанинг жорий активлари таркибида бўлиб, уларнинг даражаси корхонанинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигига бевосита таъсир

⁶ Дж.Шрайбфедер Эффективное управление запасами. /Пер. с англ. Ю. Орлова. – М.: Изд-во Альпина Паблишер, 2019. 304 с.

⁷ P.D.Larson, The integration of inventory and quality decisions in logistics: an analytical approach, Journal of Business Logistics, 1989, Vol. 10 No. 2, pp. 106–22.

⁸ Винникова И.С. Эффективное управление товарными запасами организации. Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования, №3 (37), 2019.1406.

⁹ Ряснянская Е.Д.Управление запасами организации. // Современные научные исследования и инновации. 2020. № 8.

қилишини қайд этиб ўтган»¹⁰. О.О.Храмцова эса «товар-моддий захиралар истеъмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг элементларидан бири бўлиб, маҳсулотнинг икки томонлама табиатга эга бўлганлиги туфайли икки томонлама характерга эга деб ҳисоблайди. Биринчидан, бу аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган маълум бир истеъмол товарлари массаси, бошқа томондан эса, у товар шаклидаги маълум бир қиймат эга айланма маблағдир»¹¹.

Ўзбекистонлик олимлардан Т.С.Маликовнинг фикрича, «товар-моддий захирадаги маблағлар – ишлаб чиқариш соҳасидаги айланма активларнинг пассив элементи бўлиб, уларни омборда сақлаш капитал сифатида айланишдан вақтинча четлаштиради ва сақлаш бўйича қўшимча харажатларни вужудга келтиради»¹².

Р.Х.Карлибаеванинг илмий ишларида «товар-моддий захираларни LIFO усулида баҳолаш соф активлар қийматини пасайтиради, FIFO усулида эса аксинча жорий бозор қийматига яқинлаштиради. Тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини (умумхўжалик харажатларидан ташқари) қисқартирилган таннархда баҳолаш соф активлар қийматини пасайтириш билан боғлиқлиги кўриб ўтилган»¹³.

Бироқ муаллифнинг фикрича, акциядорлик жамиятларда товар-моддий захираларни молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг турли қирраларини қамраб олган маҳаллий ва хорижий олимларнинг кўп сонли илмий изланишларида, иқтисодий адабиётларда акциядорлик жамиятларида шакллантирилган товар-моддий захиралар ҳажмига таъсир этувчи муҳим ташқи омиллар ҳамда товар-моддий захираларни бошқариш билан боғлиқ муаммоларга етарлича эътибор берилмаган.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни самарасиз бошқариш захиралар таркибининг нотўғри танланганлиги, унинг етишмаслиги ёки ортиқча бўлишига таъсир этади. Товар-моддий захираларнинг етарли эмаслиги, корхона стратегиясида кўрсатилган вақтдан сотилиши ўтиб кетган маҳсулотлар сақланиши ёки сотишдаги йўқотишларга, истеъмолчиларнинг норозилигига ва ишлаб чиқаришда узилишларга олиб келади. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида кераксиз захираларни сақлаб, одатда ёки корхонага фойда келтирадиган шароитни яратади ёки корхона фойда олиши мумкин бўлган имкониятни йўқотади. Товар-моддий захираларнинг ортиқча ҳажмда сақланиши акциядорлар ва инвесторлар учун қимматга тушиши мумкин.

¹⁰ Степанов В.Г. и др. Критерии и модели оптимального управления товарными запасами. // Научно-методический электронный журнал «Концепт», 2017. Т.3. – С.153-161. URL: <http://e-koncept.ru/2017/770259.htm>.


¹¹ Храмцова, О.О. Анализ товарных запасов системе управления товарооборотом кооперативной организации // Современные тенденции развития науки и технологий. – 2019. – № 6-8. – С. 130-134

¹² Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009, 93-б.

¹³ Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. И. ф. д.(DSc) илмий дар. учун дисс. автореферати, 2018 й.

Муаллифнинг фикрича, акциядорлик жамиятлари бир маромдаги ишлаб чиқаришни амалга оширишда товар-моддий захираларни бошқаришда иккита муҳим вазифага эътибор қаратиш лозим. Биринчи вазифа корхонага қанча ҳажмда товар-моддий захиралар учун эҳтиёж мавжудлигини аниқлаш, иккинчиси ишлаб чиқаришнинг қайси даврида қанча миқдорда буюртма беришини билиш мақсадга мувофиқ.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни шакллантириш зарурати ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг табиати билан боғлиқ. Товар-моддий захиралар бошқаришнинг асосий сабаблари моддий ресурсларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш макон ҳамда вақтидаги номувофиқликдир (1-расм).




1-расм. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг бошқариш сабаблари¹⁴

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш ва уларни оптималлаштириш бевосита қайта ишлаш, харид қилиш ва сотиш хизматлари билан товарларни рўйхатга олиш ҳамда мувофиқлаштириш билан боғлиқ, омборлар ва уларнинг жойлашган жойи бўйича сарфланувчи харажатларни ҳисоблаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Товар-моддий захиралар тушунчаси акциядорлик жамиятидаги ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келади. Унинг асосий манбаини ишлаб чиқариш жараёнидан бошлаб маҳсулотларни сотиш жараёнигача кузатиш мақсадга мувофиқ. Товар-моддий захираларнинг ҳар бир элементини бошқариш уларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Товар-моддий захираларни тайёр маҳсулотга айлантириш муҳим жараён ҳисобланиб, тайёр маҳсулотни

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

кейинги истеъмолчига ўтказишда турли хил захиралар шакллантирилади, уни куйидаги 2-расмда кузатиш мумкин.



2-расм. Товар моддий-захираларнинг хусусиятлари бўйича турлари¹⁵

2-расмда келтирилган захираларнинг ҳар бир турини кўриб чиқиш мумкин. Ишлаб чиқариш захиралари акциядорлик жамиятларида шакллантирилган махсус омборларда сақланади. Товар-моддий захираларни самарали молиявий бошқариш одатда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Ишлаб чиқариш захиралари тез айланиш қобилиятига эга бўлмаслиги акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларнинг ҳаракатсизлигига олиб келади. Ишлаб чиқариш захиралари ҳаракатсиз бўлган тақдирда ҳам ўз ликвидлигини сақлаб қолиш хусусиятларига эга.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш амалиёти таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда акциядорлик жамиятлари жорий активлари таркибида товар-моддий захираларни бошқариш тизимининг таҳлили ва товар-моддий захираларни молиявий бошқариш моделлари таҳлили, шунингдек, акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларининг айланувчанлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили келтирилган.

Ҳар қандай акциядорлик жамиятларида такрор ишлаб чиқариш жараёнини улардаги активлар таркибида жорий активлар ва хусусан, товар моддий захираларга эҳтиёжга таъсир этади. Натижада, жами активлар таркибида жорий активлар ва товар-моддий захиралар турли улушни ташкил қилади.

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

1-жадвал

Акциядорлик жамиятлари активлари қиймати тўғрисида маълумот,
млн. сўм¹⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар							2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш, фоизда
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
«Махам-Чирчиқ» акциядорлик жамияти								
Узоқ муддатли активлар	298643,4	299942,5	190341,9	316623,9	360363,7	375947,1	431167,9	144,4
Жорий активлар	571188,6	781044,2	505690,9	553796,5	316039,4	508202,7	602930,9	105,6
Жами активлар	869832,0	1080986,7	696032,8	870420,4	676403,1	884149,8	1034098,8	118,9
«NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамияти								
Узоқ муддатли активлар	14938,5	17844,4	26116,6	30768,4	43844,9	51444,9	70573,3	472,4
Жорий активлар	8988,3	13602,4	10318,1	15715,5	24289,5	34897,3	40562,8	451,3
Жами активлар	23926,8	31446,8	36434,7	46483,9	68134,4	86342,2	111136,1	464,5

1-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, инвестиция сифими бўйича турлича бўлган ҳар иккала акциядорлик жамиятларида такрор ишлаб чиқариш жараёни учун зарур активлар ва уларнинг таркибида узоқ муддатли ва жорий активлар қиймати таҳлил қилинаётган даврда турли ўзгариш тенденциясини намоён этмоқда. Хусусан, «Махам-Чирчиқ» акциядорлик жамиятида жами активлар 2015 йилда 869832 млн. сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2021 йилда 1034098,8 млн. сўмни ташкил қилган. 2015-2021 йилларда активларнинг ўсиш суръати 118,9 фоизни ташкил қилиб, бундай ўсишга узоқ муддатли активларнинг 2015 йилга нисбатан 2021 йилги 144,4 фоизлик ошиши ижобий таъсир этган. Хусусан, узоқ муддатли активлар 2015 йилда 298643,4 млн. сўмни, 2021 йилга келиб таҳлил қилинаётган даврлардаги барқарор номинал ўсиш қийматида 431167,9 млн. сўмга етган. Жорий активларнинг ўсиш суръати эса таҳлил қилинаётган даврда 105,6 фоизни ташкил қилмоқда.

«NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятида эса жами активлар 2015 йилда 23926,8 млн. сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврда барқарор ўсиш суръатида бўлиб, 2021 йилда 111136,1 млн. сўмни ташкил қилган. 2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш суръати 464,5 фоизни ташкил қилган. Бундай юқори ўсиш суръатида узоқ муддатли активларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги 472,4 фоизлик ошиши (2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш) муҳим аҳамият касб этган. Таҳлил қилинаётган даврдаги активлардаги юқори динамик ўзгариш «NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятида кузатилмоқда. Қарийб активлар 4,6 мартага

¹⁶ Акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

ошганлиги мазкур корхона фаолиятининг ривожланишига сезиларли таъсир этган ишбилармон фаоллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Қўйидаги 2-жадвал маълумотлари тасдиқлайдики, «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жорий активлари 2015 йилда 571188,6 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 602930,9 млн. сўмга етган бўлиб, 105,6 фоизга ошган. Бу кўрсаткич асосан товар-моддий захираларнинг номинал мазмундаги ошишига таъсир этган.

2-жадвал

**«Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жорий активлари тўғрисида
маълумот млн. сўм¹⁷**

Жорий активлар элементлари номи	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш, фоизда
Товар-моддий захиралар	161018,2	142373,7	133282,9	147797,2	199969,6	347380,9	416136,3	258,4
Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар	4357,5	1856,7	1740,1	2363,2	6164,6	8668,1	3867,9	88,8
Дебиторлик қарзлари	370231,2	626858,8	361930,9	373299,2	87147	112817,2	159825,6	43,2
Пул маблағлари ва эквивалентлари	31972,6	6380,2	5220,7	29855,7	21248,9	38747,7	23074	72,2
Қисқа муддатли инвестициялар	3609,1	3574,8	3516,2	481,2	1509,2	588,8	27	0,7
Жами жорий активлар	571188,6	781044,2	505690,8	553796,5	316039,4	508202,7	602930,9	105,6

Хусусан, товар моддий захираларнинг 2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ошиши 258,4 фоизни ташкил қилган бўлиб, номинал мазмунда 2021 йилда 416136,3 млн. сўмга етган. Агар таҳлил қилинаётган даврда жорий активларнинг номинал қиймати энг юқори даврни кузатилса, бу кўрсаткич 2016 йилга тўғри келганлигини ва айнан ушбу даврда 781044,2 млн. сўмни ташкил қилганлигини кузатиш мумкин. Лекин жорий активларнинг юқори ўсиш суръати дебиторлик қарздорлигининг 2015 йилдаги 370231,2 млн. сўмдан 2016 йилга келиб, 626858,8 млн. сўмга кескин ошганлиги ҳисобига кузатилган.

Товар-моддий захираларнинг номинал қийматида эса ушбу даврда пасайиш кузатилган. Натижада жорий активлар динамик ўзгариши унинг таркибий элементлари улуши ўзгариши билан боғлиқ ҳолда кузатилган. Бундай таркибий ўзгариш жорий активлар алоҳида элементлари кесимида унинг акциядорлик жамияти молиявий натижалари ва молиявий барқарорлигига турлича таъсир этиш тавсифига эга бўлган.

¹⁷ Акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

3-жадвал

«Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жорий активлари таркиби тўғрисида маълумот, жамига нисбатан фоизда¹⁸


Жорий активлар элементлари номи	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Товар-моддий захиралар	28,2	18,2	26,4	26,7	63,3	68,4	69,0
Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар	0,8	0,2	0,3	0,4	2,0	1,7	0,6
Дебиторлик қарзлари	64,8	80,3	71,6	67,4	27,6	22,2	26,5
Пул маблағлари ва эквивалентлари	5,6	0,8	1,0	5,4	6,7	7,6	3,8
Қисқа муддатли инвестициялар	0,6	0,5	0,7	0,1	0,5	0,1	0,0
Жами жорий активлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

3-жадвалга мувофиқ товар моддий захираларнинг жами жорий активлардаги улуши 2015 йилда 28,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич тахлил қилинаётган даврдаги энг юқори улушни, яъни 69,0 фоизни ташкил қилмоқда. Демак, жорий активларга инвестицияларда унинг элементлари кесимидаги тўпланиш даражаси товар моддий захиралар ҳисобига тўғри келаётганлигини тасдиқлайди.

Муаллифнинг фикрича, бундай ҳолатни икки вазият орқали изоҳлаш мумкин:

биринчидан, корхонада ишлаб чиқариш суръати пасайиши ва натижада мазкур даврда (2016 йил) операцион фаолият учун зарур меҳнат предметларига реал эҳтиёж пасайиши кузатилиши ҳисобига бўлиши мумкин;

иккинчидан, товар-моддий захиралар айланиш тезлигининг ҳаддан зиёд юқори кўрсаткичини таъминлаш ҳисобига улардан фойдаланиш самарадорлигининг кескин ортиши ҳисобига кузатилади.



2-расм. «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жорий активлари элементларининг йиллик ошиш(100 дан паст бўлса пасайиш) динамикаси¹⁹


Жорий активлар таркибий элементларнинг 2015-2021 йиллардаги

¹⁸ Акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

¹⁹ «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

динамик ўзгариш тенденциясини 2-расмдан кузатиш мумкинки, юқори йиллик ўсиш 2020 йилда кузатилган бўлиб (160,8 фоиз) бу кўрсаткич товар моддий захираларнинг юқори йиллик ўсиши (173,7 фоиз) асосий таъсир этувчи омиллардан бири бўлган.

Ишлаб чиқариш захиралари ва тайёр маҳсулотнинг товар-моддий захиралардаги улуши ўзгариши даврий тавсифга эга бўлиб, уни 3-расм маълумотлари орқали кузатиш мумкин.



3-расм. «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти товар-моддий захиралари элементларининг йиллик ошиш суръати, фоизда²⁰

3-расмдан кўриниб турибдики, товар моддий захираларнинг таҳлил қилинаётган даврлардаги йиллик ўзгариши ишлаб чиқариш захираларининг ўзгариши билан 2018 йилдан кейинги тенденцияда мутаносиб равишда бўлган. Хусусан, 2018 йилда жами товар моддий захираларнинг йиллик ўсиш тенденциясини намоён этиб, 110,9 фоизни ташкил қилган бўлса, ишлаб чиқариш захиралари 109,1 фоизга етган. 2016 йилдаги йиллик пасайиш 88,4 фоизни ташкил қилган бўлса, товар-моддий захиралар таркибидаги юқори вазнга эга тайёр маҳсулотнинг 56,2 фоизга пасайиши бунга асосий таъсир этувчи омил сифатида хизмат қилган.

Демак, ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароитида товар-моддий захираларни харид қилиш ва сотиб олиш хариднинг дастлабки босқичида муҳим аҳамиятга эга. Товар-моддий захираларни тўғри сотиб олиш ва истеъмол қилиш мақсадига эришиш учун ундан оқилона фойдаланиш учун бухгалтерия хизмати тўлиқ, шаффоф маълумотларни ўз ичига олиши керак, бу ҳар ой товар-моддий захираларни харид қилиш ва сотиб олишни таҳлил қилиш имконини беради.

Товарларни сотиш жараёнининг узлуксизлиги суғурта захираси мавжудлиги орқали таъминланади, ушбу захира турли хил йўқотишларнинг олдини олиш учун мўлжалланган. Бундан ташқари етказиб бериш орасидаги интерваллар доимий даврга эга эмас ва бу интерваллар орасида талабга

²⁰ «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

нисбатан ҳам маълум тебранишлар юз беради. Бундай захираларнинг шаклланиши истеъмолнинг узлуксизлиги ва етишмовчилигининг олдини олиш учун кафолат бўлади. Товар-моддий захираларга талабни прогнозлаш моделининг алгоритми статистик асосланган кўп номенклатурали тадқиқот усуллари асосида ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларни молиявий бошқариш самарадорлигини ошириш**» номли учинчи бобида товар-моддий захираларни бошқаришни такомиллаштириш ва акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

